

Шамоилул-Муҳаммадия / РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ КЎРИНИШЛАРИ / 225-ҳадис

225- حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ كَيْعٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا جُمَيْعُ بْنُ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْعِجْلِيُّ، قَالَ: حَدَّثَنِي رَجُلٌ مِنْ بَنِي تَمِيمٍ مِنْ وَلَدِ أَبِي هَالَةَ زَوْجِ حَدِيجَةَ يُكْنَى أَبَا عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ ابْنِ أَبِي هَالَةَ، عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ، قَالَ: سَأَلْتُ حَالِي هِنْدُ بْنُ أَبِي هَالَةَ، وَكَانَ وَصَافًا، فَقُلْتُ: صِفْ لِي مَنْطِقَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُتَوَاصِلَ الْأَحْزَانِ، دَائِمَ الْفِكْرَةِ، لَيْسَتْ لَهُ رَاحَةٌ، طَوِيلُ السَّكْتِ، لَا يَتَكَلَّمُ فِي غَيْرِ حَاجَةٍ، يَفْتَتِحُ الْكَلَامَ، وَيَخْتِمُهُ بِاسْمِ اللَّهِ تَعَالَى، وَيَتَكَلَّمُ بِجَوَامِعِ الْكَلِمِ، كَلَامُهُ فَضْلٌ، لَا فُضُولَ، وَلَا تَقْصِيرَ، لَيْسَ بِالْجَائِي، وَلَا الْمُهِينِ، يُعْظِمُ النِّعْمَةَ وَإِنْ دَقَّتْ لَا يَدُّ مِنْهَا شَيْئًا، غَيْرَ أَنَّهُ لَمْ يَكُنْ يَدُّمْ ذَوَاقًا وَلَا يَمْدَحُهُ، وَلَا تُعْضِبُهُ الدُّنْيَا، وَلَا مَا كَانَ هَا، فَإِذَا تُعَدِّي الْحَقُّ، لَمْ يَفْتُمْ لِعُضْبِهِ شَيْءٌ، حَتَّى يَنْتَصِرَ لَهُ، وَلَا يَعْضِبُ لِنَفْسِهِ، وَلَا يَنْتَصِرُ هَا، إِذَا أَشَارَ أَشَارَ بِكَفِّهِ كُلِّهَا، وَإِذَا تَعَجَّبَ قَلْبُهَا، وَإِذَا تَحَدَّثَ اتَّصَلَ بِهَا، وَضَرَبَ بِرَاحَتِهِ الْيُمْنَى بَطْنَ إِبْهَامِهِ الْيُسْرَى، وَإِذَا غَضِبَ أَعْرَضَ وَأَشَاحَ، وَإِذَا فَحَّ غَضَّ طَرْفَهُ، جُلُّ ضَحِكِهِ التَّبَسُّمُ، يَفْتَرُّ عَنْ مِثْلِ حَبِّ الْعَمَامِ

Ҳасан ибн Али розияллоху анҳумо айтади:

«Тоғам Ҳинд ибн Абу Ҳоладан сўрадим. У киши одамни яхши сифатлайдиган киши эди. У кишига: «Менга Расулуллоҳ соллоллоху алайҳи васалламнинг сўзлашларини васфлаб беринг», дедим. У киши шундай деди: «Расулуллоҳ соллоллоху алайҳи васаллам бардавом ғамгин, доимий ўй-фикрда эдилар. У зотда роҳат йўқ эди. Узоқ сукут сақлар, ҳожат бўлмаса гапирмас эдилар. Сўзни Аллоҳ таолонинг номи билан бошлаб, Унинг номи билан тугатар эдилар. Жавомиул калим (яъни пур маъноли қисқа сўзлар) билан гапирар эдилар. Сўзлари бўлинган-бўлинган, ортиқча гап ҳам, (тушунарсиз бўлиб қоладиган даражада) сўзнинг етмай қолиши ҳам йўқ эди. Қўпол ҳам эмасдилар. (Бировни) таҳқирламасдилар. Неъматни улуғлардилар, гарчи у

кичик бўлса ҳам. Бирор неъматни ёмонламасдилар. Лекин ейиладиган нарсани қораламаганларидек мақтамас ҳам эдилар. Дунё ва дунё учун бўладиган нарсаларга асло ғазаб қилмасдилар. Бироқ, ҳақ поймол бўлганида, токи ҳақдорга ҳақини ундириб бермагунча у зотнинг ғазабларини бирор нарса тўхтатолмасди. Нафслари учун ғазаб қилмасдилар ва нафслари учун ўч олмасдилар. (Бир нарсага) ишора қилмоқчи бўлсалар (битта бармоқ билан эмас) кафтлари(даги бармоқларининг) барчаси билан ишора қилардилар. Агар бирор нарсдан ажаблансалар кафтларининг (ички томонини юқорига) бурардилар. (Бир нарсани тушунтиришда) кафтларини ишлатиб гапирардилар. (Гоҳида) гапирганда ўнг кафтлари билан чап бош бармоқларига урардилар. Ғазаб қилганда (ўша одамнинг қилмишига яраша жавоб қайтармай) юз ўгириб, четланардилар. (Бир нарсдан)» хуосанд бўлганда, кўзларини қуйи қилиб олардилар. Кўпинча кулишлари табассум эди (Яъни табассумдан нарига ўтмасдилар. Жилмайганда дўл каби оқ тишлари кўринарди.

Манба: hadis.islom.uz

